



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 17 октябрь, № 203 (5877)

Пайшанба

ПРЕЗИДЕНТ ЛАТВИЯГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшинг таклифига биноан 2013 йил 16 октябрь куни давлат ташрифи билан Латвияга жўнаб кетди.

Учрашувлар ва музокаралар чоғида Латвия раҳбарияти билан Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантириш масалалари, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, сиёсий, савдо-инвестиция, транспорт-коммуникация соҳалари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган катор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎзА).

Ўзбек толаси:

ЮКСАК СИФАТ НАМУНАСИ

Кеча Тошкент шаҳрида IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўз фаолиятини бошлади.



Жаҳон пахта бозорининг асосий иштирокчиларидан бири сифатида тан олинган Ўзбекистон дунё пахта ва тўқимачилик саноати мутахассислари, олимлар, йирик савдо компаниялари вакиллари ва трейдерларни яна пойтахтимизда жамлади. Улар икки кун мобайнида ялпи мажлис ва давра суҳбатларида иштирок этиб, халқаро пахта бозорининг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилиш асносида мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳалари бўлмиш тўқимачилик ва енгил саноати, унга хорижий инвестициялар жалб этиш учун яратилган қулай муҳит, пахтачилик тармоғини ривожлантириш стратегияси билан яқиндан танишиш, энг асосийси, ўзбек толаси ҳамда тўқимачилик маҳсулотларини етказиб беришга оид тўғридан-тўғри савдо битимларини тузиш имкониятига эга бўлади. Айни шу жиҳат ярмарканинг халқаро доирада нуфузини ошириб, экспертларнинг ҳақли эътиборига сазовор бўлмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РИГА ШАҲРИГА КЕЛДИ

РИГА, 16 октябрь. ЎзА махсус муҳбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшинг таклифига биноан 16 октябрь куни давлат ташрифи билан Латвияга келди.

Рига халқаро аэропортида Ўзбекистон Президенти шарафига икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортиди.

Мунтазамлик касб этган Ўзбекистон — Латвия сиёсий мулоқотлари доирасида ўтаётган ушбу ташриф икки давлат раҳбарларининг ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини атрофлича муҳокама қилиши ва узоқ муддатли асосдаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаши, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиши учун яхши имкониятдир.

Давлат ташрифи дастурига мувофиқ унинг асосий тадбирлари 17 октябрга мўлжалланган.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Латвия Президенти Андрис Берзиньш, Латвия Сейми Спикери Солвита Аболтиня, Бош вазир Валдис Домбровскис билан учрашув ва музокаралар ўтказди.

Авал хабар қилингандек, ташриф якунида давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги серкхара муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган кўплаб ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

(ЎзА).

Инвестиция ва янги имконият

Бундан олти йил муқаддам ўттиз киши билан фаолият бошлаган "Вобкент-Триумф текстиль" масъулияти чекланган жамиятида айни кунга келиб ишчилар сони тўқсон нафардан ошди. Хусусан, жорий йилда жамоа сафига ўнга яқин коллеж битирувчиси қабул қилинди.

ИНТИЛИШ

Корхонага Инвестиция дастури асосида 3,2 миллиард сўм миқдорда сармоя киритилгани унинг барқарор ишлаши, янги иш ўринлари яратилишига олиб келди. Яна бир муҳим жиҳати, жамият хориждан замонавий йиғирув ва ўров дастохларини харид қилиб, модернизация тадбирларини амалга оширди. Пировардида маҳсулот сифати янада яхшиланиб, корхона миқозлари сони кўпайди. Натижада шу йилнинг ўтган даврида бюртмачиларга 600 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берилди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан илк бор 2005 йилда ташкил этилиб, шундан сўнг ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида иштирок этаётган давлатлар жуғрофияси йил сайин кенгайиб, унга ташриф буюраётган бизнес тузилмалари вакиллари сони мутасил ошиб бораёпти. Бу йилги тадбирда дунёнинг 40 та мамлакатидан пахта ва тўқимачилик саноатининг қарийб 1000 нафар намояндаси катнашаётгани бунинг яққол далилидир.

IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилиш маросимида сўзга чиққан "Cotton Outlook" халқаро ахборот агентлигининг бошқарувчи директори Р. Батлер, Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитасининг бошқарувчи директори А. Гитчунс, "Xinjiang Yinlong International Agricultural Cooperation Co., Ltd." бошқарувчи раиси В. Лян ва бошқалар таъкидлаганидек, жаҳон пахта бозори тақвимида мустаҳкам ўрин эгаллаган Тошкент форуми соҳанинг энг муҳим тадбири айланган улгурди. Ўзбекистон эса нафақат юқори сифатли

саноатбоп пахта етиштирувчи мамлакат, балки уни кафолатли етказиб берувчи ишончли ҳамкор сифатида доврўқ қозонди. Кейинги йилларда толаннинг баҳоси талаб ва таклифдан келиб чиқиб, ўзгариб турган бир шароитда ўзбек толасига бўлган эҳтиёж муттасил ошиб бормоқда. Бу мустақиллик йилларида хом ашё етиштириш, уни қайта ишлаш борасида яратилган ўзига хос тизимнинг юксак самараси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Зеро, ўзбек толаси ранги, пишклиги, микронейри, шунингдек, бошқа техник кўрсат-

кичларининг устунилиги билан алоҳида ажралиб туради. Фахрланиб айтамызки, бугун жаҳоннинг тўқимачилик ва енгил саноати тараққий этаётган давлатлари борки, улар халқаро бозорда савдолар фаоллашган ҳозирги пайтда толамизни харид қилиш умидида юртимиз томон ошиқади. Чет эллик соҳа мутахассислари буни хом ашёнинг саноатбоплиги, уни барқарор ва ўз вақтида етказиб берилаётгани, энг асосийси, тўғри экспорт сиёсати юритилаётгани билан изоҳлашмоқда. Чиндан ҳам, мамлакатимизда

барча хариддорларга тенг имкониятлар яратилиб, шартнома тузиш ҳажми, етказиб бериш ва тўловни амалга ошириш шартлари бўйича ҳеч бир чекловлар мавжуд эмас. Бу борада асосий эътибор хариддорларга сифатли тола тақдим қилишга қаратилмоқда. Шу мақсадда гўзанинг истиқболли навларини яратиш, экин парваришига илм-фан ва техника ютуқлари, замонавий технологияларни изчил жорий қилиш, қайта ишлаш тизимини тубдан модернизациялаш бўйича изчил ислохотлар олиб борилаётир.

(Давоми 2-бетда).

IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида дунёнинг 40 та мамлакатидан пахта ҳамда тўқимачилик саноатининг қарийб

1000
нафар
мутахассислари
ва вакиллари
иштирок этаётир.



ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ФРАНЦИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР НИГОҲИДА

Яқинда Ўзбекистон Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг бир гуруҳ мутахассислари жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари тараққийоти, фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнини мониторинг қилиш усуллари бўйича хорижий амалиётни ўрганиш мақсадида Францияда бўлдилар.

ЭЪТИРОФ

Мазкур сафар доирасида Париж шаҳрида катор амалий учрашувлар ўтказилгани баробарида, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил қилинди. Шунингдек, юртимиз делегацияси БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишга ноҳукумат ташкилотларини жалб қилиш бўйича Бутунжаҳон форумида ҳам катнашди. Франция Ташқи ишлар вазирлиги Глобаллашув, тараққийот ва шериклик Бош бошқармасининг Фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик миссияси, Европада истиқболли белгилаш ва хавфсизлик институти, Миллий бошқарув мактаби, Сиёсий фанлар институти хузуридаги Сиёсий инновациялар жамғармаси ҳамда Халқаро тадқиқот-

лар марказининг эксперт ва мутахассислари билан бўлиб ўтган учрашувлар чоғида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақидаги маълумотларни тақдим этишди ва Франциялик ҳамкасблари билан ўзаро таъриба алмашдилар. Сафар доирасида Ўзбекистоннинг Париждаги дипломатия миссиясида "Давлатнинг фуқаролик институтлари билан ҳамкорлиги механизмларини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш: Ўзбекистон ва Франция таърибаси" мавзига бағишланган давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Франция ҳамкорлик ва техникавий

тараққийот агентлиги (ACTED) томонидан уюштирилган ушбу тадбирда таниқли жамоат арбоблари, фуқаролик жамиятини ўрганиш бўйича экспертлар, икки мамлакат фуқаролик институти вакиллари ҳозир бўлдилар. Давра суҳбати катнашчилари Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини шакллантириш, унинг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлаш соҳасидаги таърибаси билан яқиндан танишдилар. Таъкидлаш жоизки, юртимизда мазкур жабҳадаги ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар францияликларда катта қизиқиш уйғотди. Маҳаллий экспертлар эътироф этганидек, Ўзбекистонда белгилаб олинган кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш модели жамият ва давлат бошқарувида халқаро ҳамкорликнинг ўрни ҳамда аҳамиятини мустаҳкамлаш, жамоатчилик тузилмалари ва давлат органларининг ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришни назарда тутгани ҳолда, мамлакатимизнинг жадал ва барқарор ҳуқуқий-сиёсий, ижти-

мой-иқтисодий тараққийотиغا хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, давлатнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни очкилик ва шаффоқлик тамойиллари ҳамда фуқаролик жабҳасида юз бераётган жараёнларнинг чуқур тизимли таҳлилига асослангандир. Тадбирда франциялик экспертлар эътиборига республикамизнинг икки вилоятида ҳаётга татбиқ этилаётган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкилиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг ҳуқуқий синови борасидаги Ўзбекистон таърибаси тақдим этилди. Мунозаралар чоғида икки мамлакатнинг фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик институтлар фаолиятининг конституцийвий ва қонунчилик асосларини такомиллаштириш, уларнинг давлат бошқаруви ҳамда халқаро ҳамкорликдаги ташаббусларини фаоллаштириш масалалари бўйича батафсил фикр алмашилди. Франциялик мутахассислар қайд этганидек, Францияда давлат ноҳукумат ташкилотларини ҳукумат сиёсатини шакллантиришга фаол жалб қилади, вазирлик ва идора-

лар хузурида ташкил этилган кенгашлар фаолиятининг бошқа шакл ва усуллари орқали фуқаролик институти билан ҳамкорликни самарали йўлга қўйди. Улар Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини шакллантириш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишдаги ўрни ҳамда аҳамиятини юксалтириш, давлат муассасалари ва фуқаролик жамияти институти ўртасида фаол алоқаларни ўрнатишдаги ижобий таърибасини юқори баҳоладилар. "Tachkent-Paris" электрон журнали бош муҳаррири, рақамли нашрлар ноширлик уйи ва "d'Izart" медиакомпанияси президенти Сот Сильви д'Изарн фикр билдирганидек, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ҳар томонлама ривожлантириш, ахборотга эга бўлиш эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш соҳасида етарли шарт-шароитларни яратишга катта аҳамият берилаётгани алоҳида таъхисга сазовор.

(Давоми 3-бетда).

«Серкўёш юртингизда етиштирилаётган пахта замон талабларига тўла жавоб беради»

Юксак ташкилотчилик руҳи ва кўтаринки кайфиятда иш бошлаган IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси давомида соҳанинг бугунги ривожланиш омиллари ҳамда истиқболга бағишланган ялпи мажлислар, кўргазмалар, тақдимотлар ташкил этилмоқда. Бу эса ўзаро фикр ва таъриба алмашиш, самарали келишувларга эришиш учун қулай муҳит демакдир. Айни чоғда юртимиз ишлаб чиқарувчилари ва хорижий харидорлар ўртасида иқтисодий алоқаларни янги босқичга кўтаришга йўналтирилган кўплаб манфаатли битимлар тузилмоқда. Мухбирларимиз ушбу нуфузли тадбир иштирокчилари билан суҳбатлашиб, бунга яна бир бор амин бўлдилар.

СЎЗ — ЯРМАРКА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Фил ХЕСКЕТ, "Wakefield Inspection Services" компаниясининг Ўрта Осиёдаги вакили: — Узоқ йиллик таърибадан келиб чиқиб, комил ишонч билан айта оламани, серкўёш юртингизда етиштирилаётган пахта ўзининг ҳосилдорлиги, тезпишарлиги, саноатбоплиги, ҳар хил ноқулай шароитлар ва касалликларга бардошлилиги билан замонавий талабларга тўла жавоб беради. Унинг нуфузи Европа бозорларида ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бундай кўрсаткичларнинг сабаби нимада? Аввало, юртингизда ҳар бир ҳудуд иклими ва тупроқ шароитига мос истиқболли навларни яратиш, бу борадаги илмий изланишлар кенг қўллаб-қувватланаётир. Қолаверса, жабҳадаги институтлар моддий-техник базаси илгор лаборатория ускуналари билан мустаҳкамланиб, малакали ёш кадрлар билан тўла таъминланган. Шу каби чора-тадбирларнинг шарофати билан Ўзбекистон пахта толасига бўлган талаб, жаҳон бозоридан ҳозирги кунда кузатилаётган мураккаб вазиятга қарамасдан, юқорилаб бораверади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбек толаси:

ЮКСАК СИФАТ НАМУНАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яқинда Президентимиз Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида фермерлар билан учрашиб, мулоқот чоғида пахтачиликда юртимиз иқлими ва тупроқ шароитига мос серхосил, сифатли тола берадиган янги навларни яратиш масаласига алоҳида тўхтадилар. Ва жумладан, шундай дедилар: "Пахтанинг хусусиятлари, сифат кўрсаткичлари жуда кўп. Хосилдорлигининг юқорилиги, зараркунандаларга чидамлилиги, толасининг узунлиги, пишиқлиги ва текислиги шулар жумласидандир. Пахта етиштиришда, авваломбор, нав танлашда ана шу талаблардан келиб чиқиб, иш тутиш зарур. Бугун сифатли пахта етиштиришдан, аввало, фермерларнинг ўзи манфаатдор. Улар қанча сифатли пахта тайёрласа, шунча кўп даромад топади".

Соҳада ана шу тавсияларга мувофиқ иш юритилаётгани муваффақиятлар омили бўлаётди. Мустанқиллик йилларида юртимизда селекцион олимлар томонидан гўзанинг 160 та янги нави яратилган, уларнинг аксарияти давлат реестрига киритилиб, асосий майдонларда парваришланган бўлиб бунга яққол мисол бўла олади.

Сир эмас, бугунги кунда барча қимматли белгиларни ўзида муҳассамлаштирган, шунингдек, экстремал шароитлар, яъни гармсел, сувсизлик, шўрланиш ҳамда сув ва шамол эрозиясига бардошли гўза навларига талаб тобора кучаймоқда. Шунингдек, олган ҳолда, гўзанинг янги ва истиқболли навларини яратиш юзасидан илмий излашлар изчил олиб борилмоқда. Айниқса, юртимиз олимларининг гўза геномикаси устида олиб бораётган тадқиқотлари яхши натижалар бераётгани алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, Геномика ва биоинформатика маркази томонидан ишлаб чиқилган янги генлар нокаут технологияси туфайли ипак толага яқин

бўлган ўта сифатли тола берадиган, тезпишар, ҳосилдор гўза навларини яратиш имконияти юзага келди. Шулар инобатга олинган, бу янгилик Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси томонидан "2013 йилнинг энг яхши тадқиқоти" дея эътироф этилди.

Тола баҳосини белгилашда сифат энг бирламчи омил ҳисобланади. Шу боис "Ўзапахтасаноат" уюшмаси тизимидаги 98 та пахта тозалаш корхонаси модернизация қилиниб, ишлаб чиқаришга инновацион ишланмалар жалб этилаётгани эътиборга моликдир. Биргина Ўзбекистон Республикасида 2007 йил 3 апрелдаги "2007 — 2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация қилиш дастури тўғрисида"ги қарори асосида, 41 пахта тозалаш заводида модернизациялаш лойиҳалари муваффақиятли бажарилдики, бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш қувватларини кескин ошириш, махсулот сифатини янада яхшилаш имконини берди.

Яқин мажлисларда Ўзбекистонда кўлга киритилаётган шу каби муваффақиятларга алоҳида тўхталиб, буларнинг барчаси ўзбек толасининг жаҳон бозоридаги мавқеини оширишга, ҳамкорлар сафи кенгайтиришга қимат қилаётгани манмуният билан тилга олинди.

Куннинг иккинчи ярмида халқаро ярмарка иштирокчилари эътиборига "Ўзэкспомарказ" мажмуи павильонларида ўзбек пахта толаси намуналари ва кенг асортиментдаги тўқимачилик махсулотлари намойиш этилди. Чет эллик харидорларга шу ернинг ўзида танланган туркуми сотиб олиш юзасидан шартнома тузиш, махсулотни етказиб бериш масаласини ҳал этиш учун барча шарт-шароит яратиб берилгани айтиш мумкин бўлади.

Тола намуналари билан яқиндан танишган мутахассислар ўзбек пахта толаси

асосий кўрсаткичлар билан бирга, НВИ тизимида аниқланган кўшимча кўрсаткичлар бўйича ҳам харидорлар талабларига мос эканлигини қайд этидилар. Бинобарин, юртимизда ишлаб чиқарилаётган тола ва микка оид тойма-той сифат кўрсаткичлари бўйича сўнги тавсифлар Бремен пахта ассоциацияси ва Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитасининг аъзоси — "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан НВИ тизимлари замонавий ускуналаридан фойдаланган ҳолда берилади.

Ярмарканинг биринчи кунини "Ўзбекгилсаноат" давлат-ақциядорлик компанияси қиёсдаги "Шарк либослари" дизайнерлик маркази томонидан яратилган либослар, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган махсулотлар намойиши ҳам бўлиб ўтди. Буни яқиндан кузатган чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон тўқимачилик саноати жадал тараққиёт этиб бораётганига ана бир қарра ишонч ҳосил қилдилар.

Таъкидлаш керакки, замонавий етиштирилган хом ашёни чуқур қайта ишлаш, кўшимча қийматга эга махсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш ушбу соҳада олиб бораётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Шу мақсадда соҳада чет эл инвестицияси жалб этилиб, замонавий корхоналар барпо қилинапти. Бугунги кунда республикамизда 2200 та энгил саноат корхонаси рўйхатга олинган бўлиб, шунинг 300 таси "Ўзбекгилсаноат" ДАК тизимида баришган. Уларда ишлаб чиқарилаётган турфа хилдаги тайёр кийим-кечаклар "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги билан дунёнинг ўнлаб мамлакатларига етказиб берилапти. Табиийки, бу жараёнда Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси муҳим бозор вазифасини ўтаётди.

Хулоса ўрнида айтганда, IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси жаҳон пахта бозоридаги энг муҳим тадбирлардан бири бўлиб, пахта толасини экспорт қилишнинг бозор механизми янада ривожлантириш, юртимиз ишлаб чиқарувчилари ва хорижий харидорлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни такомиллаштиришга қимат қилиши мукаррардир.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



«Серқуёш юртингизда етиштирилаётган пахта замон талабларига тўла жавоб беради»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ЮЙ ЧЖАНЬХАЙ, «Нунцзялэ» компанияси бошқаруви вакили (Хитой):

— Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси жаҳондаги энг йирик воқеалардан биридир. Боиси мазкур нуфузли тадбир нафақат айни пайтда соҳада содир бўлаётган тенденциялар билан яқиндан хабардор бўлиш, балки юқори сифатли ўзбек пахта толасидан харид қилиш учун айни мuddадор. Масалан, бу ерда махсулот сотиб олиш, уни омиборда сақлаш, суғурталаш, терминал, транзит ва логистика хизматларидан фойдаланиш учун қулайликларнинг салмоқли портфели мухайё этилган. Шунинг учун мазкур ярмарка барча иштирокчилар қатори бизга ҳам хар томонлама фойдали бўлиши, шубҳасиз. Ҳозирча 60 минг тонна пахта толаси сотиб олишни режалаштирганмиз.

Яна алоҳида айтишни истардимки, халқингизнинг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги ва самимиети қойил қўлдими.

Кристиан ШИНДЛЕР, Халқаро тўқимачилик махсулотлари ишлаб чиқарувчилари федерацияси бosh директори (Швейцария):

— Ҳар сафар Ўзбекистонга келганимда, улкан янгиликларни кўришимиз, энг асосийси, Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқариб, ҳаётга таътиқ этилган тараққиётнинг "ўзбек модели"нинг бу каби ютуқлари халқингиз турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга қимат қилмоқда. Глобал миқёсда ҳамон давом этаётган иқтисодий рецессияга қарамадан, юртингизда янги ички махсулот ҳажми 8 фоиздан паст эмаслиги ана шундан далолат беради.



«Серқуёш юртингизда етиштирилаётган пахта замон талабларига тўла жавоб беради»

Бундай барқарор ўсиш суръатларини аграр ва тўқимачилик секторидан ҳам яққол кўриш мумкин. Мазкур тармоқларда истиқболли лойиҳалар, инновацион оғояр рўёбга чиқарилаётгани, давлат томонидан фермерлик ва тадбиркорлик ҳаракати мустақкам қўллаб-қувватланаётгани мазкур ижобий натижаларни қўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда. Шуларга ҳамроҳанг тарзда ўзбек пахта толасининг жаҳон бозоридаги кадр-қиммати ошиб бораёпти.

Кейжи МАСУИ, «Masui» компанияси президенти (Япония):

— Агар ривожланиши транспортга қийинлашган бўлса, у қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитисиз олдинга юра олмаслиги аниқ. Ўзбекистоннинг тараққиёт локомотиви эса ҳар қандай, ҳаттоки жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида жадал ҳаракатланмоқда.

Сабаби, айтиб ўтганимиздек, юртингизда хорижий сармоядорлар учун тақдим этилаётган имтиёзлар ҳамда преференциялар ҳажми йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бундай жозибдор муҳит ҳар икки томон манфаатларига қимат қилиши билан долзарбдир. Чунончи, Ўзбекистонда тўқимачилик тармоғи инфратузилмасини янада раванг топтириш, янги корхоналар ишга тушириш, мавжудларини модернизациялаш, техник ҳамда технология қайта жиҳозлаш юмушларига тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб этиш салоҳиятини кенгайтиб бораётди. Бу эса юртингизда толачи қайта ишлаш саноати ривожига ижобий туртки бериб, "Made in Uzbekistan" брендининг халқаро миқёсда юксалтиришга ярмарка давомида республика худудларининг бу борадаги имкониятлари тақдим этилган тадбирда

шу ҳақда яқиндан билиб олдик, ўзимиз учун қимматли маълумотларга эга бўлдик. Яқин келажақда Ўзбекистон тўқимачилик индустриясига инвестиция киритишдек мақсадимизни амалга оширишга бўлган ишонч янада мустақкамланди. Жорий йил эса пахта толаси сотиб олиш бўйича самарали келишувга эришиш ниятидамиз.

Жаҳир Хусайн МАХМУД, «Win Cot Company» компанияси раиси (Бангладеш):

— 2013 йил дунёнинг кўп худудларида қузатилган ноқулай об ҳаво қилиқ хўжалиги экинлари, жумладан, пахта етиштиришга салбий таъсир ўтказди. Мамлакатингизда эса аграр тизимида олиб борилаётган оқилона сиёсат, берилаётган катта эътибор туфайли шундай мураккаб шароитда ҳам пахтадан юқори даражада сифатли ҳосил олинмоқда. Бу эса трейдерлар ўртасидаги соғлом рақобатни кучайтирмоқда. Юқори сифатли хом ашёни харид қилишни ким ҳам истамайди, дейсиз?! Биз ҳам ярмарка тақдим этган қулай фурсатдан фойдаланиб, 12 минг тонна хом ашё сотиб олмақчимиз. Бу эса компаниямиз фаолиятини янада кенгайтириш ва махсулотларимиз рақобатбардошлигини оширишга қимат қилиши, шубҳасиз.

Кези келганда шунини таъкидлаш керакки, биз қатнашчиларга ташкилотчилар томонидан зарур бўлган барча шарт-шароит яратиб берилди. Бунинг учун уларга миннатдорлик изҳор этамиз.

Андрей МЕЖЕНСКИЙ, «Тиротекс» тўқимачилик компанияси бosh директори (Молдова):

— Компаниямиз қирқ йилдан буён ушбу соҳада фаолият юри-

тиб келмоқда ва у ойига 1500 тоннадан зиёд пахта толасини қайта ишлаш имкониятига эга. Фаолиятимизга назар ташлайдиган бўлсак, айниқса, кейинги йилларда юртингиз саноатчилари билан алоқаларимиз тобора яхшиланиб бормоқда. Хусусан, "Ўзпром-машинпекс" давлат ташқи савдо компанияси бизнинг ишончли ҳамкорларимиздан бири ҳисобланади.

Биласиз, махсулотни пишиқ, сифатли ва жаҳон талаблари даражасида ишлаб чиқариш учун, аввало, шунга мос хом ашё зарур. Айнан шу талабларга мос келувчи тола Ўзбекистонда мавжуд. 2005 йилдан буён аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган халқаро пахта ярмаркаси уни харид қилиш учун қулай восита бўлаётгани билан аҳамиятлидир. Негаки, мазкур ярмарка нафақат махсулот билан яқиндан танишиш, балки уни тўғридан-тўғри харид қилиш имконини ҳам бераёпти.

Айтиш керакки, жорий йилги ярмарка жуда юқори савияда ташкил этилган. Икки кун давомида ўзбек пахтасининг юқори сифатини таъминловчи омилардан бо-хабар бўлиш баробарида, пахта тозалаш заводлари, терминалларда бўлиб, Ўзбекистонда пахта етиштириш, қайта ишлаш, яратилаётган янги навлар ва экспорт қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўлиқ маълумот олиш мумкин.

Уйлайманки, мазкур тадбирга ташриф буорган барча ишбилармонлар ўзaro манфаатли ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишувга эришадилар. Шу жумладан, биз ҳам.

«Халқ сўзи» мухбирлари Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, Алишер ОТАБОВЕВ эзиб олди.



ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Электрон хисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларнинг Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлиги тизимида бажарилиши юзасидан 2012 йил 19 декабрда қабул қилинган кўмита қарори ижроси муҳокама этилди. Тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари қатнашди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Таъкидланганидек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, давлат ва жамият қурилиши тизимини ислоҳ қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг изчил амалга оширилаётгани бу борадаги ишларни даража ҳамда сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди.

Кўмита томонидан ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари давомида ахборот технологиялари соҳасининг муҳим йўналишларидан бири бўлган интеграл микросхемалар топологиялари ва ЭХМ учун яратилган дастурлар

ҳамда маълумотлар базаларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш, дастурий махсулотлар индустриясини ривожлантиришнинг қонунчилик асослари амалиётда ўз ифодасини қандай топаётгани муфассал ўрганилди. Бу эса тегишли ҳуқуқий-ташқилий пойдевор ҳамда ижро механизмининг янада такомиллаштиришда аниқ тақлифларни ишлаб чиқиш имкониятини берди.

Ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар ва ихтиролар, илмий-техника ҳамда саноат ишлаб чиқаришлари, бадий-конструкторлик ва ижодий ишларнинг бошқа турларини чуқур таътиқ этишга оид қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ихтирочиликни янада ривожлантириш, иқтисодий ёшларни илмий-техникавий фаолиятга жалб этиш ва инновацион соҳада кўлга юлдурилган ютуқларни тарғиб қилиш мақсадида энг яхши интеллектуал мулк объекти учун ҳар йили кўрик-танловлар ташкил этилаётди.

Агентлик ахборотиغا кўра, 2008 йилдан то 2013 йилнинг 9 ойигача ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказиш учун мос равишда 1359 ҳамда 182 та талабнома келиб тушган. Шулардан 118 таси жорий йил январь — сентябрь ойларига олинган. Бу борада Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд, Андижон вилоятларида фаоллик сезилган бўлса, Сирдарё ҳамда Сурхондарё вилоятларида жаҳондаги излашчиларни янада қучайтириш зарур.

Муҳокамаларда ушбу қарор аҳамияти хусусида соҳа мутахассислари орасида тушунтириш ишлари олиб бориш бўйича тегишли чоралар белгилашди, шунингдек, амалдаги қонунчиликни махсус категорияда фаолият юритувчи шахслар учун қулай шароит яратишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш лозимлиги айтиб ўтилди. Шу билан бирга, инновация ва инновацион фаолият соҳасида ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш бугунги кун талабидир.

Ийгилиши яқини бўйича кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ийгилиши яқини бўйича кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

ИЗЛАНИШ
Сирдарё иссиқлик электр станциясининг Ховос туманида жойлашган "Энергонасл" чорвачилик йўналишидаги ёрдамчи хўжалигида муқобил энергия ҳосил қилиш бўйича истиқболли лойиҳа амалга оширилди.
Муқобил энергия технологияси
Гап шундаки, эндиликда бу ерда тўпланиб қоладиган барча биочиқиндилардан метан гази олиш учун хом ашё сифатида фойдаланилади.
Тошкент шаҳридаги "Экоравнак" фирмаси томонидан рўёбга чиқарилган мазкур лойиҳа туфайли ферманинг иссиқлик энергиясига бўлган барча эҳтиёжлари тўлиқ таъминланмоқда. Шу билан бирга, ҳосил қилинаётган метан гази ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Мазкур технологияни жорий этишга қарийб 140 миллион сўм сарфланди.
Эътиборлиси, бу ерда биогаз олиш учун ишлатиб бўлинган чиқиндилар экологик тоза ҳамда унумдор ўғитга айланади ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда юқори самара беради.
Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эълонлар

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ФРАНЦИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР НИГОҲИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг ҳуқуқий эксперименти амалга оширилаётгани ҳам фуқароларнинг давлат ва жамият бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қилинишидаги иштирокини кенгайтиришга имконият яратди ҳамда аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалишига хизмат қилади. Очиқлиги таъминлаш борасида мазкур қонунда оммавий ахборот воситаларига алоҳида аҳамият қаратилгани эса демократик тараққиётнинг энг замонавий тамойилларини ифода қилади.

Франция ҳамкорлик ва техникавий тараққиёт агентлигининг (ACTED) Марказий Осиё бўйича дастурлари директори Паскаль Бернар бўлиб ўтган давра суҳбати Франциялик ҳамкорларнинг Ўзбекистон фуқаролик институтлари билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашдан манфаатдорлигини яна бир бор тасдиқлаганини таъкидлади.

— Хозирги пайтда ACTED ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ўртасида ҳамкорлик ҳақида меморандум лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, у ўзаро шерикликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди, — деди у. — Шу билан бирга, Европа комиссияси иштирокчида Ўзбекистонда ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳам иш олиб борилмоқда.

— Оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг энг муҳим институти, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий манфаатларини акс эттирадиган механизм ҳисобланади, — дейди танқил кинорежиссёр, продюсер ва сценарийнавис Режис Гезельбах. — Узининг касбий тажрибам билан ўртоқлашган учун тақдим этилган имкониятдан жуда мамнун бўлдим. Аминманки, меннинг малака ва кўникмаларим Ўзбекистонда миллий журналистиканинг янада ривожланишига кўмаклашади.

Р. Гезельбах сўнги йилларда Тошкент шаҳри ва республиканинг турли вилоятлари тележурналистикаси тараққиёт масалаларига бағишланган мажлисда дарсларини ўтказиб келаяётганини билдирар экан, Ўзбекистонда ҳукм сураётган диний бағрикенглик муҳити ва халқимизнинг кўп қиррали маданияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмни суратга олишга доир режаларини ҳам ўртоқлади.

Европада истиқболли белгиланган ва хавфсизлик институти президенти Эммануэль Дюпоннинг сўзларига қараганда, жамоат ташкилотлари давлатнинг ҳамкори сифатида фаолият юритаётгани борасида Ўзбекистонда тўплаган тажриба Франциянинг бу соҳадаги тажрибасига яқиндир. Унинг эътирофи эйтишича, бўлиб ўтган давра суҳбати тадбир катнашчиларига фуқаролик жамияти институти тараққиётини мониторинг қилиш усулларини қиёслаш, жамоат бирлешмаларининг мамлакат ҳаётида тобора ортиб бораётган ўрни масалаларини ўрганиш ҳамда уларнинг давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини таҳлил қилиш учун қулай имконият яратди.

— Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти тараққиётига кўмаклашиш Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти учун ҳам, бизнинг институти учун ҳам яқин мақсад саналади, — деди Э. Дюпон. — Шундай экан, бўлиб ўтган тадбир ва учрашувлар ўзаро ҳамкорликнинг янада кенгайтиришга хизмат қилишига аминман. Парижда ўтказилган давра суҳбати якулига қўра, Фуқаролик жамияти шаклланиши-

ни мониторинг қилиш мустақил институти билан тизимли тарзда тажриба ва ахборот алмашинуви, икки мамлакат оммавий ахборот воситалари ва электрон нашрларида фуқаролик жамиятининг тараққиёт ҳақида таҳлилий мақолаларни чоп этишга ўзаро кўмаклашиш, Франция ва Ўзбекистонда қўшма конференция, семинар ҳамда давра суҳбатларини ташкил этиш ва ўтказиш, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтига Европада истиқболли белгиланган ва хавфсизлик институти ҳамда Франция ва Европа Иттифоқининг фуқаролик жамияти тараққиёт масалалари билан шуғулланувчи бошқа таҳлилий марказлари билан алоқаларни ривожлантиришда кўмаклашиш сингари масалаларга доир ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни имзолаш юзасидан келишувга эришилди.

Кайд этилганидек, Ўзбекистонда белгиланган олинган босқичма-босқич, тадрижий равишда демократик ҳуқуқий давлат ва кўп қиррали жамиятининг қириш стратегияси ўзбек халқининг тарихан шаклланиган миллий ва маданий ҳусусиятлари ҳамда илғор халқро тажрибани чуқур ўрганишга асосланган бўлиб, мамлакат барқарор тараққиётнинг кафолати саналади. Ўзбекистонда фуқаролик институтининг мамлакатни модернизациялаш ва демократлаштириш жараёнидаги кенг иштирокини таъминлаш борасида тўплаган тажриба халқро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Юқорида билдирилганидек, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг мутахассислари халқро ташкилотлар, молия институти ва уюшмалари, чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда Парижда бўлиб ўтган БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишга ноҳуқумат ташкилотларини жалб қилиш бўйича Бутунжаҳон форумида ҳам катнашдилар. Мазкур тадбир Франция ҳамкорлик ва техникавий тараққиёт агентлиги, Франция ривожланиш агентлиги ҳамда Париж мэрияси томонидан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.

Шу ўринда жорий йилнинг сентябрида Тошкентда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, БМТ Тараққиёт дастури ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан “БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш вази-фаларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида халқро конференция ўтказилганини қайд этиш жоиздир. Маълумки мазкур анжуман иши Франция, Латвия, Италия, Греция, Япония, Корея Республикаси сингари мамлакатлардан келган мутахассислар, халқро экспертлар томонидан юқори баҳоланган эди. Тошкентда бўлиб ўтган ана шу конференция якулига билан танишар экан, Бутунжаҳон форуми иштирокчилари Ўзбекистонда жамият ва давлат қирилиши соҳасидаги изчил ислохотлар, иқтисодиётдаги чуқур ҳамда тизимли ўзгаришлар, кучли ва манзилли ижтимоий сиёсат, фуқаролик институти ролини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларнинг яратилгани аҳоли ҳаёт сифатининг юксалиши ҳамда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги вазифаларнинг самарали амалга оширилиши учун хизмат қилганини эътироф этидилар. Форум доирасида Ўзбекистон делегацияси қатор ташкилотлар билан ўзаро амалий алоқаларни ўрнатиш юзасидан келишувларга эришилди.

«Жаҳон» АА. Париж

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

- 1. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2011 йил 3 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Юқори Чирчиқ тумани, Султонравод даҳаси, Паркент кўчасида жойлашган чойхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 84 495 887 сўм.
2. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 21 январдаги 425-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Коронкўл кўчасидаги 84-уй.
Бошланғич баҳоси — 357 973 000 сўм.
Аукцион савдосига 2013 йил 31 октябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.
3. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 8900-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чирчиқ шаҳри, Ишчилар кўчаси, 2-уйда жойлашган автокорхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 114 040 000 сўм.
4. Янгийўл тумани СИБ томонидан 2012 йил 11 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Шўралисой» ҚФЙ, Наврўз маҳалласида жойлашган иссиқхона бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 50 106 000 сўм.

Аукцион савдосига 2013 йил 18 ноябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ОАТБ «ASIA ALLIANCE BANK» Мирзо Улуғбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО: 01103, СТИР: 207125885. Аукцион қўлиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлиқ тўлаш шарт.
Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-қават, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8-371) 212-89-55.
Лицензия: RR-0052.

Qishloq Qurilish Bank

оптик толали алоқа каналини ўрнатиш бўйича танлов эълон қилади.

Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 20 кун давомида қабул қилинади.
Қўшимча маълумотлар учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй, 1-қават, 104-хона.
Телефон: (8-371) 150-76-44.

«Жаҳон» АА. Париж

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

- 1. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2011 йил 3 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Юқори Чирчиқ тумани, Султонравод даҳаси, Паркент кўчасида жойлашган чойхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 84 495 887 сўм.
2. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 21 январдаги 425-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Коронкўл кўчасидаги 84-уй.
Бошланғич баҳоси — 357 973 000 сўм.
Аукцион савдосига 2013 йил 31 октябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.
3. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 8900-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чирчиқ шаҳри, Ишчилар кўчаси, 2-уйда жойлашган автокорхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 114 040 000 сўм.
4. Янгийўл тумани СИБ томонидан 2012 йил 11 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Шўралисой» ҚФЙ, Наврўз маҳалласида жойлашган иссиқхона бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 50 106 000 сўм.

Лицензия: RR-0052.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сирдарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

- 1. Аукцион савдосига Янгийер шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 17 сентябрдаги 12-1003/77286-сонли, 2011 йил 21 февралдаги 12-1103/8-сонли, 2012 йил 7 майдаги 12-1203/7011 (27.1)-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Баланд қанотлар» МЧЖга тегишли, Янгийер шаҳри, Маърифат маҳалласи, Алишер Навоий кўчаси ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 1263,73 кв.м., фойдаланиш майдони 967,84 кв.м. бўлган кинотеатр биноси ва иншоотлар қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 271 520 772 сўм.
Аукцион савдосига 2013 йил 19 ноябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 15 ноябрь кунини соат 18.00.
2. Аукцион савдосига Янгийер шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 23 январдаги 1-313/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган,

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона.
Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

- Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан:
1. Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 28 январдаги 11-1024/27010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қишлоқҳўжаликим» Юқори Чирчиқ туманлараро филиалига тегишли, Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани, «Уртасарой» ҚФЙ, Уртасарой маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 0,2826 гектар, қурилиш майдони 821,20 кв.м. бўлган бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 119 438 413 сўм.
2. Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6572-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ясавий Агросервис» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Суранкент» ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 6793,75 кв.м.,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девонси жамоаси масъул ходим Б. Х. Жўраева қизи
НОДИРАНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Янгийер шаҳри, Абдурахмон Жомий маҳалласи, Амир Темур кўчаси ҳудудида жойлашган, умумий қурилиш майдони 481,78 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 295,67 кв.м. бўлган 0020-литердан иборат АЕКШ мол-мулклари мулкый мажмуа сифатида арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 222 727 108 сўм.
Аукцион савдосига 2013 йил 5 ноябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 1 ноябрь кунини соат 18.00.
Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'snmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» Банки Сирдарё филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона.
Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

- Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан:
1. Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6572-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ясавий Агросервис» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Суранкент» ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 6793,75 кв.м.,

қурилиш майдони 1942,73 кв.м. бўлган гараж биноси такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 85 466 005 сўм.
Аукцион савдосига 2013 йил 4 ноябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 1 ноябрь кунини соат 18.00.
Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'snmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамий кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ
2013 йил 21, 23 ноябрь ва 5, 12, 19 декабрь кунлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.
Очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйидаги ҳўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қўйилмоқда:
Т/р Номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли Устав фондидаги улуш сотилаётган ҳўжалик жамиятининг манзили асосий фаолият йўналиши Савдога қўйилган улушнинг бошланғич баҳоси сўм АҚШ доллари

Юридик шахслар учун — давлат рўйхатини ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нухаси, раҳбарнинг тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқдан ва унинг паспортидан нухса, шунингдек, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тўлиқ тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нухаси илова қилинган ишончнома;
■ жисмоний шахслар учун — паспорт нухаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, ваколатли вакилнинг шахсини тўлиқ тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нухаси илова қилинган ишончнома.
Талабгорлардан бюртномаларини қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан икки кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.
Очик аукцион савдоларига иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдога қўйилаётган «REGISTON PLAZA» МЧЖ, «XORAZM PALACE» МЧЖ, «ASIA PIPEPLAST» МЧЖ, «HORAZM GILAMLARI» МЧЖ, «KINDER FRUITS» МЧЖ ва «TOSHKENT QOG' OZI» МЧЖ улушлари бошланғич баҳосининг 2 фоизи миқдоридида ҳамда «FRESCO» МЧЖ, «BIO MIKREL» МЧЖ, «NUKUS AGRO» МЧЖ ва «NAMANGAN QOG' OZI» МЧЖ улушлари бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида закалат пулини «Toshkent universal auctions savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.
Очик аукцион савдолари белгиланган савдо кунлари соат 15.00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона(мажлислар зали)да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:
Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй, 4-қават, 401-хона.
Телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60.
Тел./факс: (8-371) 234-43-31.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона.
Телефон: (8-371) 233-02-49. Тел./факс: (8-371) 233-23-40.
Электрон почта: TUAS_MCHJ@gmail.ru

Шунингдек, «Toshkent universal auctions savdo» МЧЖ томонидан 2013 йил 10 октябрь кунини ўтказилган оферта савдоси натижасига қўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг «LNPAST» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз банк улуши 8 247 313 000 сўмга сотилганлиги ҳамда тугатилган «POLA COMMERCE» МЧЖнинг 2013 йил 10 октябрдаги 24-сонли хатига асосан, ушбу ташкилот балансидаги 2009 йил 12 октябрь кунини ишга туширилган, бошланғич баҳоси 1 042 206 318,02 сўм бўлган металлпластик қувурлар ишлаб чиқарувчи линия ускунаси (1 тўплам) аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357. 17420/920

